

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017./К/ФМ/Т.36.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛТУРАЕВА НОРОЙ РУЗМАТОВНА

**ГЕКСАМЕТИЛЕНИМИННИНГ N-АЛМАШГАН (МЕТ)-
АКРИЛАМИДЛАРИ ПОЛИМЕРЛАРИ ҲОСИЛ БЎЛИШИНИНГ ФИЗИК-
КИМЁВИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАР ЭРИТМАЛАРИНИНГ ХОССАЛАРИ**

02.00.06-Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Холтураева Норой Рузматовна

Гексаметилениминнинг N-алмашган (мет)акриламидлари
полимерлари ҳосил бўлишининг физик-кимёвий
асослари ва улар эритмаларининг хоссалари3

Холтураева Норой Рузматовна

Физико-химические основы образования полимеров
N-замещённых (мет)-акриламидов гексаметиленимина и
свойства их растворов.....22

Kholturaeva Noroy Ruzmatovna

Physico-chemical bases of polymers formation
of N-substituted (met)-acrylamides hexamethylenimine
and properties of their solutions.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017./К/ФМ/Т.36.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛТУРАЕВА НОРОЙ РУЗМАТОВНА

**ГЕКСАМЕТИЛЕНИМИНИНГ N-АЛМАШГАН (МЕТ)-
АКРИЛАМИДЛАРИ ПОЛИМЕРЛАРИ ҲОСИЛ БЎЛИШИНИНГ ФИЗИК-
КИМЎВИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАР ЭРИТМАЛАРИНИНГ ХОССАЛАРИ**

02.00.06-Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЎ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/К49 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бабаев Туйгун Мирзаахмедович**
кимё фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: **Кудышкин Валентин Олегович**
кимё фанлари доктори, профессор.

Рафиков Адхам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Тошкент кимё технология институти**

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. /К /FM /Т.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» ____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

С.Ш. Рашидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик.

А.А. Атаханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., катта илмий ходим.

В.О. Кудышкин

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кўп тоннажли полимерлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ҳамда уларнинг халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилиши билан махсус хоссаларга эга бўлган полимер материалларга эҳтиёж ортмоқда. Полимерларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг кимёвий табиати ва физик-кимёвий хоссаларининг ташқи муҳитга нисбатан таъсирчанлигидир. Ён занжирида халқа тутган N-алмашган (мет) акриламидлар асосида олинган полимерларнинг стимул- ва термосезгир хоссалари туфайли тиббиёт, фармацевтика, ҳамда биотехнологияда дори моддаларини ташувчилар сифатида, йўналтирилган таъсирга эга бўлган препаратлар, сенсорлар тайёрлашда ишлатилади.

Бугунги кунда дунёда гидрофил хоссали янги функционал полимерлар синтези ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, табиий полимерларни модификациялаб, сувда эрувчан синтетик полимерларнинг таркибига турли функционал гуруҳлар киритиш йўли билан янги хоссаларга эга бўлган материаллар олиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишлар катта эътибор берилмоқда. N-алмашган (мет)акриламид асосидаги полимерлардан ташқи муҳит таъсирига сезгир сувда эрувчан ва бўкувчан полимерлар эритмаларини яратишда уларнинг физик-кимёвий асослари ва хоссаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги полимер материаллар синтез қилиш ва уларни турли соҳаларда амалиётга киритиш орқали импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан функционал полимерлар асосида турли сорбентлар, доривор моддалар, гидрогеллар ва бошқа материаллар олишда муҳим натижалар қўлга киритилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, гексаметиленимин асосидаги N-алмашган акриламид полимерлари эритмаларининг ҳосил бўлиши ва эритмалар физик-кимёвий аспектларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида», 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони.

меъёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги вақтларда стимулсезгир хоссаларга эга бўлган N-акрил- ва метакриламид полимерларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Чоп этилган ишларнинг кўпчилиги гексаметиленимининг N-акрил- ва метакриламидлари (со)полимерларини радикал полимерланиш ёки тайёр полимерларни модификациялаш усулида олишга ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганишга бағишланган. Бундай полимерлардан тиббиётда, биологияда ва бошқа соҳаларда фойдаланиш бўйича илмий йўналишни ривожлантиришга Н.А. Платэ, М.И. Штильман, Ж. Копечек, В.Ф. Громов, Т.А. Соколова, А.С. Дубовик, Е.А. Бектуров, З.С. Нуркеева, Х. Иномата, В. Франсуаза, Матсумура Юрико, Огата Томонари, Е.В. Ануфриева, О.Г. Кулинкович, С.Ж. Ким, Озгур Акдемир, Ф. Секер, А.С. Хофман, Хурихара ва қатор бошқа илмий мактаблар катта хисса қўшишган. N-изопропилакриламид ва (мет)акриламиднинг бошқа ҳосилаларининг полимерланиши ва улардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш бўйича Н.А.Платэ, М.И. Штильман, Ж. Копечек, Е.В. Ануфриева, А.С. Дубовик, З.С.Нуркеева, Франсуаза Винника, Ю. Матсумуро, Огата Томонари, И.И.Селезнева, С.Ж. Ким, Озгур Акдемир ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ўзбек олимлари Х.У.Усманов, К.С.Ахмедов, М.А.Асқаров, С.Ш.Рашидова, У.Н.Мусаев, А.Т.Джалилов ва бошқалар томонидан олинган илмий натижалар республикаимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Бироқ N-гексаметилениминакриламид ва N-гексаметилениминметакриламидларни радикал полимерланиш усулида олиш жараёни кинетикаси ва механизмига тегишли қонуниятларни, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаоллигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Гексаметиленимин асосида сувда бўкадиган ва сувда эрийдиган янги термосезгир полимерларни радикал полимерланиш усулида олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, дори моддалар назоратли ажралиб чиқадиган системаларни яратиш учун янги импорт ўрнини боса оладиган функционал полимерлар олиш шароитларини аниқлаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф.3.6 «Сувда эрувчан ва гель ҳосил қилувчи янги стимулсезгир полифункционал полимерлар яратишнинг фундаментал асослари» (2002-2006 йй.), ОТ.3.Ф.151. «Полимерлар биологик фаол бирикмаларни ташувчилари сифатида, ингибиторлар. Детерпеноидларнинг таъсир механизми» (2007-2011 йй.), Ф-7-56 «Комбинирланган таъсирга эга стимулсезгир композицион

полимер геллар яратишнинг илмий асослари» (2012-2016 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади N-гексаметилениминнинг сувда эрувчан ва бўкувчан полиакрил- ва метакриламидлари ҳосил бўлишининг физик-кимёвий асослари ва улар эритмаларининг хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гексаметиленимин асосидаги мономерлар ва полимерлар ҳосил бўлишининг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

N-гексаметилениминметакриламиднинг радикал полимерланиш кинетикасини ўрганиш ва полимер занжирларининг ўсиш ва узилиш тезлик константалари абсолют қийматларини аниқлаш;

олинган янги полимерлар учун седиментацион мувозанатни, эритмалар қовушқоқлигини ўрганиш ва Марк-Кун-Хаувинк тенгламасидаги «K» ва «α» параметрларини аниқлаш;

турли ҳароратларда сувли эритмаларда N-гексаметилениминакриламид ва N-гексаметилениминметакриламид асосидаги чокланган полимерларнинг бўқиш кинетикасини таҳлил қилиш;

олинган сувда эрувчан ва сувда бўкадиган полимерлар ва сополимерларнинг термосезгирлик хоссаларини бошқариш ва фазавий ҳолатлари диаграммаларини ўрганиш;

Тадқиқотнинг объекти гексаметиленимин, (мет)акрил кислота, радикал полимерланиш инициатори азоизомойкислотаси динитрили, эритувчилардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети – синтезнинг асосий шароитларини ва мономерларнинг сувли эритмаларда радикал полимерланиш кинетикасини ўзгартириш орқали гексаметиленимин (мет)акриламид ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда дилатометрия, вискозиметрия, потенциометрия, калориметрия, ПМР- ва ИҚ-спектроскопия, седиментацион ва бошқа физик-кимёвий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба гексаметиленимин асосида янги (мет) акрил мономерлар синтез қилинган ҳамда занжирларнинг ўсиш ва узилиш тезлик константаларининг абсолют қийматлари аниқланган ва олинган мономерлар реакция қобилятининг пастлиги ён занжирдаги ўриндошнинг ҳажми билан боғлиқ эканлиги исботланган;

N-гексаметилениминметакриламид сувли эритмаларининг гидродинамик хоссалари асосида Марк-Кун-Хаувинк тенгламасидаги «K» ва «α» параметрлари, Кун сегменти ва макромолекулалар занжири учлари орасидаги масофанинг ўртача квадрат қийматлари аниқланган;

N-гексаметилениминакриламид ва N-гексаметилениминметакриламидларнинг сополимерлаб янги сувда эрийдиган ва чокланган сувда бўкувчан гидрогеллар олинган;

макромолекуланинг ён занжирида олти аъзоли ўриндошнинг (пиперидин) етти аъзолига (гексаметиленимин) алмашиниши билан поли N-алмашган метакриламидларда гемостатик хоссаларнинг пайдо бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

янги мономерларнинг сувли эритмаларда радикал полимерланиш кинетикасини таҳлил қилиш асосида жараён радикал полимерланишнинг одатдаги қонуниятларига бўйсунуши аниқланган;

N-гексаметилениминакриламиднинг полимерлари аралашинишнинг куйи критик ҳароратга эга эканлиги аниқланган ва гексаметилениминнинг янги акрил- ва метакриламидли ҳосилаларини синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

N-гексаметилениминметакриламид сувли эритмаларининг гидродинамик хоссалари асосида Марк-Кун-Хаувинк тенгламасидаги «K» ва «α» константаларининг қийматлари, Кун сегменти ўлчами ва макромолекула учлари орасидаги ўртача квадратик масофа аниқланган;

олинган гидрогеллар бўқиш даражасининг бошланғич аралашмадаги чокловчи агентлар миқдори ва табиатига, сувли эритмаларнинг рНига, ион кучига ва ҳароратга боғлиқлиги аниқланган;

синтез қилинган гидрогеллар биологик фаол моддаларни назоратли ажралишига эга макромолекуляр терапевтик системалар учун асос сифатида амалий қўлланилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Полиамидларнинг олиниши ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибалар натижалари, замонавий физик-кимёвий ва биологик усуллар ёрдамида олинди. Иш бўйича хулосалар кимёвий жараёнларнинг кинетикаси ва термодинамикасининг замонавий назарияларида ишлатиладиган тенгламалардан фойдаланган ҳолда олинган натижалар асосида қилинди. Олинган натижаларнинг тасдиғи сифатида республика ва халқаро илмий конференциялардаги муҳокамалар хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, N-гексаметилениминакриламид ва N-гексаметилениминметакриламидларнинг радикал полимерланиши жараёнида кузатиладиган қонуниятларни аниқлашдан ва полимерларнинг термосезгирлиги ҳамда физик-кимёвий хоссалари синтез шароитларига боғлиқлиги, гексаметиленимин асосида олинган янги, сувда эрувчан ва бўкувчан стимулсезгир, реакцион қобилятли гидрогелларнинг бўқиш даражаси бошланғич аралашмадаги чокловчи агентнинг миқдори ва табиатига, сувли эритмаларнинг рНига, ион кучига, ҳароратга боғлиқлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, гемостатик полимер воситалари ва дори моддаларнинг назоратли ажралишига эга термосезгир полимерларни олишдан иборат. Яратилган полимер препарат кичик дозаларда қон кетиш вақтини ва қон йўқотиш миқдорини камайтириш қобилятига эга ва уни гемостатик восита сифатида амалиётда ишлатиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гексаметиленимининг N-алмашган (мет)акриламидлари полимерлари ҳосил бўлишининг физик-кимёвий асосларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги стимулсезгир полимерларни синтез қилиш шароитлари ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари 646659 рақамли «Borohydrate permeability in poly(N-isopropylacrylamide) hydrogels» мавзусидаги илмий лойиҳада N-алмашган полимерлардаги конформацион ўтишларнинг муҳит кўрсаткичлари ва полиэлектрولит табиатига боғлиқлигини аниқлашда фойдаланилган (Берлин Гельмгольц марказининг 2018 йил 22 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада боргидрид ва поли-(N-изопропил-акриламид) ўртасида таъсирлашув механизмини компьютерда моделлаштириш ва назарий жиҳатдан жараённинг Гиббс энергияси, энтальпияси ва энтропиясининг ўзгариши ҳисобланган;

синтез қилинган гидрогеллар А-9-27 рақамли «Батат, картошка ва топинамбурнинг абиотик омилларига чидамлик хусусиятларининг таҳлили ва шўрга чидамли линияларни *in vitro* усули ёрдамида яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳаларда ўсимлик илдизи атрофида намликни сақловчи восита сифатида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 89-03-1761 - сон маълумотномаси). Натижада намликни сақлаб турувчи янги гидрогеллар яратиш имконини берган;

гексаметиленимин ва унинг (со)полимерларини синтез қилиш шароитлари И-2016-7-9 рақамли «Мунчоқсимон анионитлар олишни ташкил қилиш» мавзусидаги инновация лойиҳасида сополимерлар синтез қилиш усулида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2018 йил 7 майдаги 89-03-1761 - сон маълумотномаси). Натижада янги стимулсезгир полимер материаллар синтез қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация бўйича олинган асосий натижалар 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий ишлар чоп этилган, улардан 6 таси илмий мақолалар бўлиб, докторлик (PhD) диссертациясининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика журналларида 4 та ва хорижий журналларда 2 таси чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни

ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истикболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**N-алмашган (мет) акриламидлар радикал полимерланишининг физик-кимёвий аспекти ва улар асосида олинган полимерларнинг термосезгирлик хоссалари**» номли биринчи бобида N-алмашган (мет) амидлар радикал полимерланишининг физик-кимёвий аспекти ўрганиш ва бундай полимерларни тиббиёт ва ветеринариянинг турли соҳаларида стимулсезгир полимерлар сифатида қўлланилиши бўйича дунё тажрибаларининг таҳлиliga бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган.²


Диссертациянинг «**Гексаметилениминнинг N-алмашган акриламидлари ва метакриламидларининг радикал полимерланиши**» номли иккинчи бобида синтез қилинган мономерларнинг радикал полимерланиши ва сополимерланиши асосида гексаметилениминнинг N-алмашган акриламидлари ва метакриламидларини синтез қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

N-гексаметилениминакриламид (N-ГМИАА) ва гексаметилениминметакриламид (N-ГМИМАА) синтези N-гексаметиленимин (ГМИ)нинг (мет) акрил кислотаси хлорангидриди билан поташ (HCl акцептори) иштирокида таъсирлашиши орқали амалга оширилди.



Мономер унуми – 52-54%.

Синтез қилиш шароитларини соддалаштириш ва мономер унумини ошириш мақсадида ГМИ ни метилакрилат ва метилметакрилат билан қуйидаги схема бўйича таъсирлашиши натижасида N-ГМИАА ва N-ГМИМАА олиш усули ишлаб чиқилди:



² Муаллиф Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, кимё фанлари номзоди Ҳ.А.Мирзахидовга мазкур илмий ишнинг тажрибаларини бажариш ва баъзи натижаларни муҳокама қилишдаги беғараз ёрдами учун чуқур миннатдорлик билдиради.

Гетероциклик иккиламчи аминларни кислоталарнинг тўйинмаган эфирлари кўшбоғларига бирикиш реакциялари эфир гуруҳининг амидогуруҳга айланиши билан бориши кўрсатиб берилди, бу аминокислоталар аминларини олиш имконини беради. Махсулот унуми 72-75%ни ташкил қилди.

N-гексаметилениминакриламид ва N-гексаметилениминметакриламид қовушқоқ шаффоф суюқликлар бўлиб, сув, спиртлар, эфирлар ва диоксанда эрийди. Олинган мономерларнинг физик-кимёвий параметрлари 1-жадвалда келтирилган.


1- жадвал

**N-гексаметилениминакриламид ва
N-гексаметилениминметакриламиднинг физик-кимёвий
константалари**


Брутто формула	Молек. масса	T _{кай} , °C. P=2-4 мм.сум.уст	d ₄ ²⁰ г/см ³	n _D ²⁰	MR		Бром. сони	
					топ.	ҳис.	топ.	ҳис.
C ₉ H ₁₅ NO	153	116-121	1,0218	1,5072	45,05	45,47	98,1	100
C ₁₀ H ₁₇ NO	167	121-124	0,9315	1,4783	49,07	49,45	99,0	100

Мономерларнинг кимёвий тузилиши ИҚ- ва ПМР-спектрлар, молекуляр рефракциясини ҳисоблаш, бром сонини аниқлаш ёрдамида идентификация қилинди.

Мономерларнинг радикал полимерланиши. ГМИАА ва ГМИМАА полимерланиш кинетикасини бензол муҳитида 343К ҳароратда дилатометрик усулда, радикал инициатор - изомой кислотасининг динитрили иштирокида ўрганилди. 1 - расмда поли-N-ГМИАА унумининг реакция давомийлигига боғлиқлиги келтирилган. Инициатор бўйича реакция тартибининг 0,5 га тенглиги логарифмик $\lg v = f(\lg I)$ боғлиқликдан топилди.



1-расм. Поли-N-ГМИАА унумининг реакция давомийлигига боғлиқлиги. 1,2,3-ДАК концентрацияси мос равишда 1,52; 2,28; 3,04 · 10⁻³. T=343K, [M]=0,392 моль/л.



2-расм. Поли-N-ГМИАА унумининг реакция давомийлигига боғлиқлиги. 1,2,3- мономер концентрацияси мос равишда 3,3; 7,2; 9,2 моль/л. T=343K, [I]=3 · 10⁻³ моль/л.

Инициатор бўйича реакция тартиби N-ГМИМАА учун 0,6 га тенг, бу инициатор бўйича занжир узилиши бимолекуляр механизм билан борадиган гомоген радикал полимерланиш реакция тартибига мос келади.

Полимерланиш реакциясининг мономер бўйича тартиби N-ГМИАА ва N-ГМИМАА учун мос равишда 1, 2 ва 1,9 га тенг (2- расм).

Реакция тартибининг мономер концентрацияси бўйича назарий қийматга мос келмаслиги ён занжирда катта ҳажмли ўриндошлар тутган акрил мономерлари учун одатий ҳолат ҳисобланади. Биз аниқлаган N-ГМИМАА полимерланиши вақтида «m» қийматининг бирдан кучли четланишига сабаб, мономер молекулаларидан Н-боғлар ёрдамида ҳосил бўлган ассоциатлар туфайли полимерланадиган системанинг структурланиш эхтимоллигидир. Олинган маълумотлар асосида полимерланиш тезлигини ифодалайдиган қуйидаги умумий тенгламалар келтириб чиқарилди:

$$\text{ГМИАА учун } V_n = K_m [I]^{0,5} [M]^{1,2};$$

$$\text{ГМИМАА учун } V_n = K_m [I]^{0,6} [M]^{1,9}$$

Реакция тартибининг мономер ва инициатор бўйича олинган қийматларининг кўрсатишича, ГМИАА ва ГМИМАА полимерланиши, акрил мономерлари эритмада радикал полимерланишнинг оддий қонуниятларига бўйсунди. Бунда ГМИАА радикал полимерланиш тезлиги ГМИМАА га нисбатан анча юқори, бу акрил ва метакрил мономерлари учун хос.

Аррениус тенгласи бўйича ҳисобланган фаолланиш энергияси қийматлари N-ГМИАА ва N-ГМИМАА учун 68,8 ва 78,7 кДж/моль га тенг, бу ўрганилаётган мономерларнинг ДАК иштирокида полимерланиш реакциясининг радикал механизмда боришини тасдиқлайди.

ГМИМАА учун ўсиш ва узилиш реакциялари тезлик константаларининг абсолют қийматлари, мономерларнинг сувли эритмаларда фотокимёвий полимерланиши дилатометрик усул билан $\lambda=365$ нм тўлқин узунлигида УБ-нурланиш таъсирида ДАК иштирокида, 308 К ҳароратда, 2,2,6,6-тетраметилпиперидил-N-оксил («ТЕМПО») иштирокида ингибирлаш билан “айланма сектор” усулида олиб борилди (2-жадвал).

2-жадвал

N-ГМИМАА ни радикал полимерланишнинг кинетик параметрлари ([M] = 0,89 моль/л; [I] = 4,5 · 10⁻³ моль/л; T = 318 К.)

T, сек	V_{uz}/V_{uz-ciz}	T / φ	φ _{ср} , сек	$V_{ин} \cdot 10^{-9}$ моль/л·с	$K_p/K_{yc} \cdot 10^6$	$K_p \cdot 10^2$ л/моль·с	$K_o \cdot 10^8$ л/моль·с
0,9375	0,5300	45,20	1,85	10,8	4,57	11,03	2,44
1,875	0,5590	19,40					
3,75	0,6136	6,21					
7,50	0,6854	1,50					

Олинган маълумотлар асосида V_{uz}/V_{uz-ciz} ни $\lg T/\phi$ га боғлиқлигидан радикалларнинг ўртача яшаш вақти (φ) ни билган ҳолда, $K_p / K_o = \tau (V/[M])^{1,78}$ тенгламадан фойдаланиб K_p/K_o қиймати аниқланди.

K_p қиймат N-ГМИМАА радикал полимерланиши вақтида стирол ($K_p=190$) ва метакрилоилпиперидинга ($K_p=146$) нисбатан фаоллиги кам бўлиши билан бирга, бошқа винил мономерларга яқин. Фаолликнинг бундай кичик бўлиши


мономернинг винил гуруҳидаги ўриндошнинг катта ҳажми билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Сўнгги вақтларда тадқиқотчилар полимер гидрогеллар (ПГ) га эътибор қаратмоқдалар, чунки улардан термосезгир системалар яратилиб, улар атроф муҳит ҳароратининг жуда кичик ўзгаришига адекват жавоб қайтара олади.

ПГларнинг чизиқли полимерларнинг эритмаларига нисбатан афзалликлари шундан иборатки, макромолекуляр занжирларнинг конформацион ўзгаришлари гел намунасининг макроскопик ўлчамлари ўзгаришига олиб келади ва уларни визуал кузатиш имконини беради.

N-ГМИМАА ва N-ГМИАА асосида ПГ олиш учун ДАК ва чокловчи агентлар (ЧА) N,N-метилден-бисакриламид (МБАА), диметакрилатэтиленгликоль (ДМЭГ) иштирокида кимёвий иницирланган полимерланиш усулидан фойдаланилди.

Чокланган полимерлар звенларининг кимёвий тузилишини қуйидаги формулалар ёрдамида тасвирлаш мумкин:



3-жадвалдан кўриниб турибдики, сополимерларда ЧА миқдорининг ортиб бориши билан гел фракциянинг миқдори ҳам ортиб боради.

N-ГМИААнинг чокланган полимерлари сувда яхши бўкади, ГМИМАА эса ГМИААга нисбатан гидрофоб мономер бўлганлиги сабабли, деярли бўкмайдиган полимер ҳосил қилади.


Маълумки, полиакриламид (ПАА) структурасига турли хилдаги N-алмашган органик молекулаларнинг киритилиши унга рН ва термосезгирлик, бўка олиш қобилиятини ва органик эритувчиларда эриш имкониятини беради.

3 - жадвал

N-ГМИМАА чокланган сополимерларида гел ва золь фракцияларнинг миқдори

МБАА, %	Гель фракция миқдори, %	Золь фракция миқдори, %	ДМАЭГ, %	Гель фракция миқдори, %	Золь фракция миқдори, %
5	60,4	39,6	5	49,9	50,1
10	62,9	37,1	10	50,1	49,9
15	63,6	36,4	15	56,8	43,2
20	64,9	35,1	20	57,9	42,1
25	69,6	30,4	25	59,6	40,4

Илгари N-ГМИААнинг радикал полимерланиши вақтида аралашининг юқори критик ҳароратига (АЮКХ) эга полимерлар олингани кўрсатиб берилган ва унинг сополимерлари акриламидлар билан сувли эритмаларда аралашининг қуйи критик ҳароратига эга эканлиги кўрсатилган эди. Бу ПААни шу имин билан Манних реакцияси ёрдамида модификациялашга қизиқиш уйғотди. Бунда ААнинг формальдегид билан таъсирлашишидан полиметиленакриламид ҳосил бўлиши, у эса гексаметиленимин билан реакцияга киришиб сув ажралиб чиқиши ва натижада қуйидаги схема бўйича ПАА:ГМИ ҳосил бўлиши кўрсатиб берилди.



Синтез қилинган полимернинг кимёвий тузилиши ИҚ-спектрлар таҳлили натижаларига кўра идентификация қилинди.

Диссертациянинг «Гексаметиленимин асосидаги полимерларнинг физик-кимёвий хоссалари» номли учинчи бобида гексаметилениминнинг N-алмашган (мет)-акриламидларининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Поли-ГМИМАА сувда ва баъзи органик эритувчилар формаид, этиленгликоль ва изопропил спиртда эрийди, лекин ацетон, диметилформаид ва эфирда эрмайди. Сувли эритмаларда келтирилган қовушқоқликнинг концентрацияга боғлиқлик эгриси аномал характерга эга. Полимернинг сувли эритмасига этанол ёки формаид қўшилиши $z_{\text{кел}}$ нинг камайишига олиб келади. Бу, полимернинг сувли эритмалари қовушқоқлигининг аномал бўлишига, ундаги амид гуруҳларнинг протонланиши, органик эритувчининг қўшилиши, формальдегид амид гуруҳларининг протонланиши туфайли полимер ионланишининг камайишига олиб келишини тасдиқлайди. Эритма қовушқоқлигининг аномалияси КСІ қўшилиши билан бартараф этилиши яна бир бор олинган полимер эритмаларининг полиэлектрولитик характерга эга эканлигини кўрсатади.

ГМИМАА сувли эритмалари фракцияларининг гидродинамик характеристикалари вискозиметрия ва тезкор седиментация усулида ўрганилди.

ММТ эгрисидан ўртача молекуляр массани ҳисоблаш натижалари $M_w=4,0 \cdot 10^5$ ва $M_n=2,85 \cdot 10^5$ қийматларга эгалигини ва полидисперслик параметри $M_w/M_n=1,4$ га тенг эканлигини кўрсатди. Ўрганилган интервалдаги ММ функциялар чизиқли характерга эга бўлиб, Марк-Кун-Хаувинк тенгламаси билан ифодаланиши мумкин. Уларнинг энг кичик квадратлар усулида аниқланган коэффицентлари қуйидаги кўринишга эга (4-жадвал):

$$[\eta] = 6,4 \cdot 10^{-4} \cdot M^{0,56}; \quad S_0 = 1,34 \cdot 10^{-15} \cdot M^{0,45}$$

Гидродинамик параметрлар қийматлари ва Марк - Кун - Хаувинк тенгламасидаги кўрсаткичлар термодинамик эгилувчанлик ва ПГМИМАА тинч ҳолатидаги ўлчамларини баҳолаш учун макромолекулани эгилувчан оқмайдиған гаусс калаваси каби кўрадиган усулдан фойдаланишни тақозо этди.

Штокмейер-Фиксман усулига биноан фракцияларнинг гомологик қатори учун $[\eta]/M^{1/2}$ катталигининг $M^{1/2}$ га боғлиқлик графиги чизилди. $[\eta]/M^{1/2} - M^{1/2}$ координаталарида олинган функция тўғри чизиқли ва $A=38 \cdot 10^{-8}$ см қийматни беради, сегментдаги мономер звеноларнинг сони 14,8 га тенг.

4 - жадвал

ПГМИМААнинг гидродинамик ва молекуляр-массавий параметрлари

Фракция №	$[\eta]$	$S_0 \cdot 10^{13}, c$	$M_s \eta$	1-хс	$K_s, cm^3/\Gamma$	M_w/M_n
1	0,90	4,60	409000	0,24	585	1,4
2	0,82	4,20	338844		559	1,3
3	0,73	3,78	296153		156	1,3
4	0,62	3,2	204173		63	1,2
5	0,52	2,97	158000		63	1,2

Шунга ўхшаш седиментация маълумотларидан фойдаланиб конформацион параметрларни миқдорий баҳолаш учун қуйидаги тенглама тузилди.

$$(M^{1/2} / S_0)^3 = (N_A \eta_0 P / 1 - VP)^3 \cdot (\lambda / M_0)^{3/2} A^{3/2} + B(N_A \eta_0 P / 1 - VP_0)^3 M^{1/2}$$


Ордината ўқининг кесишиш нуктасидан Кун сегменти узунлиги $40 \cdot 10^{-8}$ см га тенглиги ҳисоблаб топилди.

Тинч ҳолатдаги конформацион параметрларнинг маълумотларидан фойдаланиб ички айланишнинг тормозланиш параметрлари $\sigma = 1,8$ ва ПГМИМААни 0,1 н. КС1 сувли эритмасидаги бўкиш даражаси ($\alpha = 1,2$) аниқланди. Эгилувчан полимерлар учун бу маълумотлар қийматининг кичик бўлиши, ПГМИМААнинг макрозанжири учун сув-тузли эритмада занжир ичида кучсиз таъсирлашув борлигини ва бунда тинч ҳолатга келиш учун сув кучли термодинамик қарши таъсир этмаётганини кўрсатади.

Олинган гидрогелларнинг стимулсезгирлик хоссаларини характерлаш мақсадида ПГнинг сувда бўкиш кинетикаси ўрганилди (3-расм).

ГМИАА ва ГМИМАА асосида олинган куруқ ПГнинг бўкиш кинетикаси гравиметрик усулда ўрганилди.

3 - расмдан кўриниб турибдики, ҳарорат ортиши билан бўкиш даражаси ва тезлиги ортиб боради. Бошланғич босқичларда бўкиш даражаси вақтга чизиқли боғлиқ эканлиги, кейинчалик бўкиш тезлиги камайгани ва жараён тўхташи кузатилади. Бўкиш характери чокланган полимерларда золь фракциянинг йўқлигидан далолат беради.



3 - расм. МБАА (а) ва ДМЭГ билан (б) чокланган поли ГМИМАА нинг сувда турли ҳароратларда бўкиш кинетикаси. (Намуналар реакция давомийлиги 10 соат. $T=343\text{K}$, ЧА миқдори 5 моль%; $[\text{ГМИМАА}]=2,6$ моль/л; $[\text{K}_2\text{S}_2\text{O}_8]=0,92 \cdot 10^{-5}$ моль/л да олинган); Ҳарорат: 1-303; 2-298; 3-293; 4-288; 5-283К

ГМИМАА асосида олинган полимер гелларнинг бўкиш даражаси ва тезлик константаси қийматлари 5-жадвалда келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, МБАА билан чокланган полимерлар сувли эритмаларда ДМЭГ билан чокланганларга нисбатан кучсизроқ бўкади. Барча ҳолатларда бошланғич аралашмадаги ЧА миқдорининг ортиб бориши билан намуналарнинг бўкиш даражаси камайиб боради. Бунда бўкиш тезлик константасининг қиймати ЧА миқдори ва эритувчи табиатига деярли боғлиқ бўлмайди. ДМЭГ (5%) билан $\text{pH}=12$ сувли эритмаларда чокланган полимерлар энг кўп бўкиш қобилиятига эга.

5 - жадвал


МБАА ва ДМЭГ билан чокланган полиГМИМААнинг мувозанатли бўкиш даражаси ва тезлик константалари қийматлари

Чокловч и агент	Бошл. аралаш. ЧА миқдори, моль.%	H_2O		0,1 н. КСІ		$\text{pH}=12$		$\text{pH}=1,1$	
		б, г/г	К, мин ⁻¹	б, г/г	К, мин ⁻¹	б, г/г	К, мин ⁻¹	б, г/г	К, мин ⁻¹
N,N-МБАА	5	16	0,04	8,3	0,03	17,2	0,03	12,2	0,02
	10	9,8	0,03	5,2	0,03	14,3	0,03	8,2	0,02
ДМЭГ	5	51	0,04	22,5	0,02	61,2	0,04	12,3	0,02
	10	35,4	0,03	19,2	0,02	41,7	0,04	9,27	0,02


Маълумки, сополимерлаш усули билан полимерларнинг гидрофоб-гидрофил балансини ўзгартириш ва шу йўл билан бу таъсирлашувларга таъсир кўрсатиш мумкин. ЧА МБАА ва ДМЭГ билан чокланган N-ГМИАА полимерлари хона ҳароратида сувда бўкмайди, шунинг учун ҳароратнинг бўкишга таъсирини ўрганиш учун ААнинг N-ГМИАА билан сополимерлари олинди. Бошланғич реакцион муҳитда модификацияловчи мономерларнинг миқдори 11 дан 2 моль%га ўзгариб туради. Олинган сополимерлар сувда бўкиши мумкин. Ҳароратнинг сополимерлар бўкишига таъсирини ўрганиш учун мономерларнинг 0,8:0,2 оғирлик нисбатида, 10 моль % ЧА иштирокида

олинган намуналари танлаб олинди. Бунда ҳарорат ортиши билан бўқиш даражаси камайганини кўриш мумкин (4-расм).

Полимер эритмаларининг фазавий ҳолатлари диаграммаларини ўрганиш, системадаги фазавий ўтишлардан дарак берадиган аралашининг критик ҳарорати борлигини аниқлаш имконини беради. Шу муносабат билан N-ГМИАА:АА сополимерининг сувли эритмадаги фазавий ҳолат диаграммаси тузилди.



4 - расм. N-ГМИАА +АА сополимерларининг турли ҳароратда бўқиш кинетикаси. 1, 2, 3, 4-ҳарорат 278, 283, 293, 303К



5 - расм. Оксидланиш-қайтарилиш полимерланиши орқали сув-спирт эритмасида олинган N-ГМИАА:АА сополимери сувли эритмасининг фазавий ажралиш диаграммаси (акриламид миқдори 85 моль%), $T=293\text{К}$ $[M]=2,5\text{моль/л}$, $[I]=2\cdot 10^5\text{ моль/л}$.

5 - расмда дастлабки аралашмада 85 мол % АА тутган N-ГМИАА:АА сополимернинг сувли эритмаси фазавий ҳолати диаграммаси ифодаланган. Кўриниб турибдики, полиакриламиддан фарқ қилиб, таркибида 15 мол % N-ГМИАА тутган сополимер АҚКҲга эга ва 305Кда фазавий ўзгаришга учраши мумкин. Бунда имин компоненти миқдорининг 15 дан 30 моль% га ортиши системанинг АҚКҲ 286,5К гача камайишига олиб келади. Аралашини ҳароратининг бундай ўзгаришига, сополимер таркибидаги N-ГМИАА миқдорининг кўпайиши гидрофобликнинг ортиши билан тушунтирилади.

Диссертациянинг «Гексаметиленимин ва доривор бирикмаларнинг полимерларга имобилизацияси» номли тўртинчи бобида полиметакрил кислотаси ва полиакриламиднинг гексаметиленимин билан таъсирлашувини ўрганиш, N-ГМИАА асосида олинган полимерларга доривор органик бирикмаларнинг сорбцияланиш кинетикаси ва полимерларга имобилланган дориларнинг ажралиб чиқишини ўрганиш натижалари келтирилган.

Аввалги бобларда келтирилган тадқиқотлар, гексаметиленимин асосий полимер занжири билан ковалент боғ ёрдамида боғланган полимерлар олиш имконини беришини кўрсатди.

Имин ноковалент боғ билан боғланса, полимернинг фармакологик ва физик-кимёвий хоссалари қандай ўзгаришини аниқлаш муҳим. Шу муносабат билан гексаметиленимин (ГМИ) ва унинг хлорводородли тузи (ХГГМИ) нинг полиметакрил кислотаси билан (ПМАК) таъсирлашувлари ўрганилди. ГМИ

молекуласи ва унинг хлоргидратида иккита фаол марказ мавжуд бўлиб, улардан бири сувли эритмада протонлашади, иккинчи углеводородли халқа гидрофоб таъсирлашиш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам ГМИ нинг ПМАК билан сувли эритмада боғланиши мураккаб характерга эга бўлади, бунга электростатик, гидрофоб ва бошқа молекулалараро таъсирлашувлар сабаб бўлади.

Дори модда (ДМ)ларнинг назоратли ажраб чиқишига эга бўлган макромолекуляр терапевтик системалар учун асос бўла оладиган N-ГМИАА ни АА билан термосезгир гидрогелидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш мақсадида сувли эритмаларда полимер матричасидан метилен кўкининг сорбцияси ва десорбцияси ўрганилди.

Жараённинг термодинамик параметрларини аниқлаш учун метилен кўкининг гидрогелларга турли ҳароратларда сорбцияси ўрганилди (6- жадвал).

Метилен кўкининг гидрогелларга сорбцияланиш жараёни ўз-ўзидан ΔG нинг камайиши ва ΔS нинг ортиши билан боради. Энтропиянинг ортишига сабаб, ДМ молекулаларининг бирикиши туфайли полимернинг гидрофобланиши ҳисобига амид гуруҳларидаги гидрат қобикчаларнинг йўқолишидир. Ҳарорат ортиши билан боғланиш константаси қийматининг ортиши жараён хемосорбция ҳисобига боришидан далолат беради.

6 - жадвал

ПГМИАА асосидаги гидрогелларга метилен кўки сорбцияланишининг термодинамик параметрлари

Т.К	n	$K_{св}$	$\Delta G_{Дж/моль}$	$\Delta H_{Дж/моль}$	$\Delta S_{Дж/моль}$
298	0,50	620	-16046,94	-105,88	53,49
303	0,40	710	-16542,80	-105,88	54,25
308	0,36	1120	-17967,55	-105,88	57,99

Полимер гидрогелидан метилен кўкининг ажралиб чиқиш кинетикаси турли ҳароратларда сувда статик шароитларда ўрганилди.

Полимер комплекслардан метилен кўкининг ажралиб чиқиш тезлиги ҳарорат ортиши билан ортиб боради, бу бошланғич термосезгир полимер гелининг юқори ҳароратлардаги коллапси билан тушунтирилади. Бу ўз навбатида полимер гелидан ДМларнинг термоназоратли ажралишига эга макромолекуляр терапевтик системалар учун асос сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «Гексаметиленимин асосида синтез қилинган полимерларнинг фармакологик хоссалари» номли бешинчи бобида гексаметиленимин асосида олинган полимерларнинг фармакологик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Мономерлар ва ГМИ асосидаги полимерларни тиббий-биологик синовлари Ўз ФА Биоорганик кимё институти фармакология лабораториясида олиб борилди (илм.ходимлар Выпова Н. ва Казанцева Д.С.). Бунда мономерлар ва ГМ асосидаги полимерлар гемостатик хоссалар намоён қилиши аниқланди.

Фармакологик синовлар натижалари ПГМИМАА ва унинг мономерини ўртача токсик моддалар синфига киришини кўрсатди. Мономер ПГМИМААга нисбатан худди шундай дозаларда токсикроқ бўлиб, гемостатик хоссага эга эканлиги ва унинг таъсири организмга юборилганидан 30 дақиқа ўтгач намоён бўлиши ва 60 дақиқадан кейин максимал эффектга эга бўлиши аниқланди. Қон кетиш вақтини қисқартириш ва қон йўқотиш ҳажмини камайтириш учун энг самарали доза 5 мг/кг эканлиги аниқланди.

ПГМИМАА қон кетиш вақтига ва қон йўқотиш ҳажмига амалдаги Дицинон препаратига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади. Ўрганилаётган полимернинг таъсири кичик дозалардаёқ намоён бўлади.

Шундай қилиб, фармакологик натижалар ПГМИМААни кейинги чуқурлаштирилган синовлар учун гемостатик восита сифатида тавсия этиш имкониятини беради.

Диссертациянинг олтинчи бобида фойдаланилган реактивларнинг характеристикалари, дастлабки бирикмалар, мономерлар ва полимерларни синтез қилиш усуллари, ишни бажариш тартиби ва ҳисоблашлар усуллари келтирилган.

ХУЛОСА

«Гексаметилениминнинг N-алмашган (мет) акриламидлари полимерлари ҳосил бўлишининг физик-кимёвий асослари ва улар эритмаларининг хоссалари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илк мартаба N-гексаметиленимин асосида N-гексаметиленимин-акриламид ва N-гексаметилениминметакриламид мономерларини олишнинг физик-кимёвий асослари ишлаб чиқилди. Олинган мономерларнинг тузилиши ИҚ-, ПМР-спектроскопия усуллари, физик-кимёвий константаларни аниқлаш ёрдамида идентификация қилинган;

2. N- гексаметилениминакриламид ва N-гексаметилениминметакриламид-нинг бензолда радикал полимерланиш кинетикаси ўрганилди ва полимерланиш тезлигининг қуйидаги умумий тенгламалари келтириб чиқарилган:

$$\text{ГМИАА учун } V_n = K_m [I]^{0,5} [M]^{1,2};$$

$$\text{ГМИМАА учун } V_n = K_m [I]^{0,6} [M]^{1,9}$$

Эритмаларда ГМИАА ва ГМИМАА полимерланиши акрил мономерлари радикал полимерланишнинг одатдаги қонуниятларига бўйсунгани ҳамда ГМИААнинг радикал полимерланиш тезлиги ГМИМААга нисбатан анча юқорилиги кўрсатиб берилган.

3. N-гексаметилениминметакриламиднинг радикал полимерланиши вақтида полимер занжирларининг ўсиш ва узилиш тезлик константалари абсолют қийматлари аниқланди. ГМИМАА мономер занжирининг ўсиш константаси қиймати метакрилоилпиперидиннинг K_p га нисбатан кичиклиги, бунга имин мономеридеги ўриндошнинг ҳажми катталиги сабаб эканлиги билан тушунтирилган.

4. Поли-N-гексаметилениминметакриламиднинг физик-кимёвий ва гидродинамик хоссалари сувли эритмаларда тезкор седиментация усулида ўрганилди. Полимерларнинг молекуляр массаларини ҳисоблаш учун Кун сегменти (А) қиймати аниқланди ва Марк-Кун-Хаувинк тенгламаси константалари келтириб чиқарилган: $[\eta] = 6,4 \cdot 10^{-4} M^{0,56}$; $S_0 = 1,34 \cdot 10^{-15} M^{0,45}$.

5. Стимулсезгир гидрогеллар олиш мақсадида N-гексаметилениминакрил-амиднинг акриламид билан, N-гексаметилениминметакриламиднинг чокловчи агентлар N,N-метилен-бис-акриламид ва диметакрилатэтиленгликол иштирокида (со)полимерланиш реакциялари ўрганилди. Олинган гидрогелларнинг бўкиш даражаси бошланғич аралашмадаги чокловчи агентнинг миқдори ва табиатига, сувли эритмаларнинг рНига, ион кучига, ҳароратга боғлиқлиги аниқланди. Ҳарорат ортиши билан N-гексаметилениминакриламиднинг акриламид билан сополимери гидрогелининг бўкиш даражаси камайиб бориши ва бу ҳарорат ортиши билан полимерда фазавий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келиши аниқланган.

6. Полиметакрил кислотасининг гексаметиленимин билан комплекс ҳосил бўлиш реакцияси сувли эритмаларда потенциометрик ва вискозиметрик титрлаш усуллари ёрдамида ўрганилди. Бу системадаги таъсирлашувлар полимернинг карбоксил гуруҳлари ва органик ионнинг аммонийли гуруҳлари ўртасидаги электростатик боғланиш, компонентларнинг углеводородли фрагментлари ўртасидаги гидрофоб таъсирлашувлар ҳисобига содир бўлиши билан тушунтирилган.

7. N-гексаметилениминакриламиднинг акриламид билан чокланган сополимерига метилен кўкининг сорбция ва десорбция кинетикаси ўрганилди ва жараённинг термодинамик параметрлари (ΔG , ΔH , ΔS) ҳисобланган.

Метилен кўкининг гидрогелларга сорбцияланиш жараёни ўз-ўзидан эркин энергиянинг камайиши ва система энтропиясининг ортиши билан бориши аниқланди. Дори модданинг гелдан десорбияланиш жараёни узок вақт давом этиши ва ҳарорат ортиши билан тезлашиши аниқланди, бу гелларнинг биологик фаол моддаларни назоратли ажралишига эга бўлган макромолекуляр терапевтик системалар учун асос сифатида тавсия этилган.

8. Полигексаметилениминметакриламиднинг фармакологик синовлари ўтказилди. Полимер кичик дозаларда қон кетиш вақтига ва қон йўқотиш ҳажмига амалдаги Дицинон препаратига нисбатан яхшироқ таъсир кўрсатиши аниқланди ва у гемостатик восита сифатида чуқурлаштирилган синовлар ўтказиш учун тавсия этилган.

9. Олинган илмий-амалий натижалар Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув жараёнига жорий қилинган ва кимё факультетининг магистрантларига махсус курслар ўқитилишида, гексаметиленимин ва унинг (со)полимерларини синтез қилиш шароитлари, уларни тадқиқ қилишдаги олинган қонуниятлар, инновация лойиҳа дастурларини бажаришда, ўсимлик илдизи атрофида намликни сақловчи восита сифатида амалиётга жорий қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017./К/ФМ/Т.36.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ
ПОЛИМЕРОВ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХОЛТУРАЕВА НОРОЙ РУЗМАТОВНА

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБРАЗОВАНИЯ ПОЛИМЕРОВ N-
ЗАМЕЩЁННЫХ (МЕТ)-АКРИЛАМИДОВ ГЕКСАМЕТИЛЕНИМИНА И
СВОЙСТВА ИХ РАСТВОРОВ**

02.00.06 – Высокмолекулярные соединения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКАМ НАУКАМ**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирован в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.2.PhD/К49.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:	Бабаев Туйгун Мирзаахмедович доктор химических наук, профессор.
Официальные оппоненты:	Кудышкин Валентин Олегович доктор химических наук, профессор. Рафиков Адхам Салимович доктор химических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.2017./K/FM/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 7^б. Тел. (99871) 241-85-94; факс: (99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за №__ (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри 7^б, Тел. (99871) 241-85-94)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол рассылки №__ от _____ 2018 года).

С.Ш. Рашидова

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор, академик

А.А. Атаханов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., старший научный сотрудник

В.О. Кудышкин

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. С ростом объема производства крупнотоннажных полимеров и широким их применением в различных отраслях народного хозяйства увеличивается потребность полимерным материалам со специальными свойствами. Одним из особенностей полимеров является изменение их химической природы и физико-химических свойств от внешней среды. N-замещенные (мет)акриламиды, содержащие в боковой цепи циклы, благодаря своим стимул- и термочувствительным свойствам, применяются в медицине, фармацевтике, биотехнологии в качестве полимерных носителей, и используются в создании препаратов и сенсоров направленного действия.

В настоящее время в мире ведутся научные исследования, посвященные синтезу и изучению физико-химических свойств новых функциональных полимеров с гидрофильными свойствами. Особенно, большое внимание уделяется получению водорастворимых полимеров путем модификации природных полимеров. Имеет важную роль создание физико-химических основ и исследование свойств растворимых и набухающих полимеров на основе N-замещенных (мет)акриламидов, чувствительных на изменение внешней среды.

В нашей стране особое внимание уделяется решению проблемы выпуска полимерных материалов на основе местного сырья и внедрение их в практику в качестве замены импортируемых продуктов. В данном направлении достигнуты значительные результаты в сфере получения на основе полимеров различных сорбентов, лекарственных веществ, гидрогелей и других материалов. В стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи по «производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках». В связи с этим исследование физико-химических аспектов образования и свойств растворов полимеров на основе N-замещенных акриламидов гексаметиленмина является одной из актуальных задач химии высокомолекулярных соединений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2017 г. № ПП-3236 «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», от 17 января 2018 г. «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», а также указанных в другие нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В последнее время усиленно развиваются научные работы по исследованию и применению полимеров N-акрил- и метакриламидов со стимулчувствительными свойствами. Значительное количество публикаций посвящено получению (со)полимеров N-акрил- и метакриламидов гексаметиленimina радикальной полимеризацией или модификацией готовых полимеров и исследованию их физико-химических свойств. В развитии научного направления по применению таких полимеров в медицине, биологии и др. областях значительная заслуга принадлежит Н.А. Платэ, М.И. Штильману, Ж. Копечек, В.Ф. Громову, Т.А. Соколовой, А.С. Дубовику, Е.А. Бектурову, З.С. Нуркеевой, Х. Иномата, В. Франсуаза, Матсумура Юрико, Огата Томонари, Е.В. Ануфриевой, О.Г. Кулинковичу, С.Ж. Ким, Озгур Акдемир, Ф. Секеру, А.С. Хофману, Хурихару и немаловажный вклад внесен также многими другими школами. В области полимеризации N-изопропилакриламида и других производных (мет)акриламида и расширению областей применения необходимо отметить проводимые научные исследования Н.А. Платэ, М.И. Штильмана, Ж. Копечка, Е.В. Ануфриевой, А.С. Дубовика, З.С. Нуркеевой, Франсуаза Винника, Ю. Матсумуро, Огата Томонари, И.И. Селезневой, С.Ж. Ким, Озгур Акдемира и других ученых. В данном направлении научные результаты, полученные узбекскими учеными Х.У. Усмановым, К.С. Ахмедовым, М.А. Аскарковым, С.Ш. Рашидовой, У.Н. Мусаевым, А.Т. Джалиловым и др. находят широкое применение в различных областях народного хозяйства нашей республики.

